

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлари түғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 64-модда; 1997 йил, № 2, 64-модда; 1998 йил, № 5-6, 114-модда) **1-моддаси** «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» деган сўзлардан сўнг қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ифтихори».

3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлари түғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари түғрисидаги Низом «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони түғрисидаги **матндан** сўнг қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва шуларга тенг жаҳон спорт анжуманларида ғолиблик — чемпионлик унвонига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шони ва шуҳратини улуғлашга қўмаклашган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади».

Олдинги таҳрирга қаранг.

(4-модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги 82-II-сон Қонунига мувофиқ ўз кучини йўқотган — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 153-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1998 йил 28 август,
665-I-сон

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 164-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда)